

---

## Маҳалла раиси - ислоҳотчи

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари мамлакатимизда инсон қадри учун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиши ҳудудлар ободлиги ва фуқароларнинг фаровонлиги омили ҳисобланади.

Сайловдан кейин янги фаолият бошлаган МФЙ раислари туман ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари томонидан мунтазам қўллаб-қувватланмоқда.

Олтиариқ тумани, Қувурбоши маҳалла фуқаролар йиғинида 604 та хонадонларда 5900 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуднинг ободончилиги, фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида ижобий ишлар қилинмоқда. "Яшил макон уммуммиллий ҳаракати" доирасида экилган терак қаламчалари парваришланмоқда. Мавжуд 8 та кўчалардаги ободонлаштириш ишларида аҳоли фаол иштирок этмоқда.

Ватанимиз Мустақиллигининг 31 йиллик байрами арафасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ташаббуси ҳамда 1-сектор раҳбари, туман ҳокимининг кўмаги билан Дўстлик кўчасидаги 2та кўп қаватли хонадонлар атрофига 300 метр масофага асфальт ёткизилди. 67 та хонадонларнинг шахсий томорқаларида деҳқончилик учун муаммо бўлиб турган суғориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида тик қудуқ ўрнатилди.

Қувурбоши маҳалласида яшовчи аҳоли ҳам ҳудудларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнунлик билан Мустақиллик байрамини қаршиламоқда.

2022-08-12 17:11:17